

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 4 (17)

ISSN-3030-3761



**ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР**  
Илмий журнали

**ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ**  
Научный журнал

**HISTORICAL RESEARCHES**  
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
*тарих фанлари доктори, профессор*  
*Ўзбекистон Миллий университети*

Бош муҳаррир ўринбосори:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief editor:

**Шакиров Иляс Рахимзянович**  
*т.ф.ф.д., (PhD)*  
*Ўзбекистон Миллий университети*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ  
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ  
EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор, Академик  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Сулейманов Рустам Хамидович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Муминов Алишер Гаффарович**  
Сиёсий фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Зуев Андрей Сергеевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Новосибирск Давлат университети*  
**Ишанхуджаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Габриэльян Софья Ивановна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Убайдуллаева Барно Машрабжоновна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Очилдиев Файзулла Бобоқулович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Азизов Илдар Рафаэлевич**  
Сиёсий фанлари доктори (DSc), доцент  
*Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби*

**Гаффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
*Самарқанд давлат университети*  
**Сиддиков Равшан Бердимуратович**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Тухтабеков Козимбек Азимбекович**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Бабабеков Акбар Давурбаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Бахранов Шерзод Таштурсунович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
*Жамоат ҳафсизлиги университети*  
**Алиазарова Дилдора Валишеровна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Навоий Давлат педагогика институти*  
**Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Абдулаева Нигора Санжаровна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Америка технологиялар университети*  
**Тоғаев Жасур Эркинович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Усаров Умид Абдумавлянович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*  
**Эшқувватов Бобир Валикул ўғли**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
*Ўзбекистон Миллий университети*

Контакт редакции журнала  
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,  
Исторический факультет  
Национального Университета  
Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
Web: <https://hstryres.uz/journal/>  
E-mail: [I.Shakirov91@mail.ru](mailto:I.Shakirov91@mail.ru)  
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal  
Tashkent city, street of Mirzo Golib,  
Faculty of history of the National  
university of Uzbekistan named after  
Mirzo Ulugbek  
Web: <https://hstryres.uz/journal/>  
E-mail: [I.Shakirov91@mail.ru](mailto:I.Shakirov91@mail.ru)  
Phone: +998900382203

# МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

|    |                                                                                                                                                                                                                                   |    |
|----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 1  | <b>Sirojov Bahodir Nishon o'g'li</b><br>THE SPECIFIC FEATURES OF THE MONETARY REFORM IMPLEMENTED BY ABDULLAH KHAN II                                                                                                              | 4  |
| 2  | <b>Суярова Феруза Собир кизи</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛИЙ САНЪАТ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ<br>ТИКЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ                                                                                     | 9  |
| 3  | <b>Тухтабеков Козимбек Азимбекович</b><br>ШАЙБОНИЙХОН ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ: САМАРҚАНДДАГИ МУҲАММАД<br>ШАЙБОНИЙХОН МАДРАСАСИ (МАДРАСА-ЙИ ОЛИЯ) ТАРИХИ                                                                                | 17 |
| 4  | <b>Тухтабеков Козимбек Азимбекович</b><br>ШАЙБОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ НАЗАРИЙ-<br>МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ                                                                                                             | 27 |
| 5  | <b>Узаков Бахром Нигматович</b><br>ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ҚАШҚАДАРЁДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН<br>ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ                                                                                    | 36 |
| 6  | <b>Xayitov Zafar Uzakovich</b><br>MENANDRNING “TARIX” ASARI ILK VIZANTIYA DIPLOMATIYASI BO‘YICHA<br>MANBA SIFATIDA                                                                                                                | 45 |
| 7  | <b>Shaydullayeva Guljahon Shapulatovna., Rahmonqulova Zumrad Boyxurazovna</b><br>OKSNING ENEOLIT VA BRONZA DAVRI TABIIY SHAROITI VA IQLIM<br>O‘ZGARISHLARI                                                                        | 53 |
| 8  | <b>Шакиров Ильяс Рахимзянович</b><br>ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ВЬЕТНАМСКОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ:<br>ОТ КИТАЙСКОГО ВЛИЯНИЯ ДО НЕЗАВИСИМОСТИ                                                                                          | 61 |
| 9  | <b>Eralov Azamat Jomurodovich</b><br>O‘ZBEKISTON TURIZMINI RIVOJLANISHIDA BUXORO ETNOTURIZMINING<br>AHAMIYATI                                                                                                                     | 68 |
| 10 | <b>Эргашева Юлдуз Алимовна</b><br>ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ<br>ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ<br>ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ                                                            | 74 |
| 11 | <b>Eshtemirov Jasurbek Suyunkulovich</b><br>INTRODUCTION OF NEW RULES AND CHANGES IN THE ADMINISTRATIVE AND<br>POLITICAL MANAGEMENT OF THE CITY OF KARSHI UNDER THE<br>SUBORDINATION OF THE BUKHARA EMIRATE TO THE RUSSIAN EMPIRE | 81 |
| 12 | <b>Эштемиров Жасурбек Суюнкулович</b><br>ПОРЯДОК СБОРА НАЛОГОВ И ПОДАТЕЙ В ГОРОДЕ КАРШИ В ПОСЛЕДНИЙ<br>ПЕРИОД СУЩЕСТВОВАНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА (1900–1920 ГГ.)                                                                    | 88 |
| 13 | <b>Эшқувватов Бобир Валикул ўғли</b><br>МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХРИСТИАН<br>КОНФЕССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ДИНИЙ<br>БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ                                             | 97 |

**Эшкуватов Б.В.**

“Жахон тарихи” кафедраси доценти, PhD

Ўзбекистон Миллий Университети

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХРИСТИАН КОНФЕССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида христиан конфессияларининг фаолияти ва улар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишлар, бу соҳадаги ҳуқуқий асослар ҳамда турли диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳити ҳақида фикр билдирилган. Христиан конфессияларининг диний бағрикенгликни мустаҳкамлашдаги ўрни ҳам қисқача ёритилган.

**Калит сўзлар:** Христиан конфессиялари, диний бағрикенглик, виждон эркинлиги, православлик, католиклик, протестантлик, диний конфессиялар, конфессиялараро ҳамжиҳатлик, Ўзбекистон Республикаси.

### **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳудудида яшаётган барча миллат ҳамда элатлар учун бир хил ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш борасида бағрикенглик сиёсатини амалга ошира бошлади. Кўп миллатли давлатда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг бирдан бир йули - миллий масалани демократик асосда ҳал қилишдан иборатдир. Бу ҳол табиий равишда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида муайян мамлакатда истиқомат қилувчи барча миллатларнинг тенглигини таъминлашда ҳуқуқий кафолат яратишни талаб этади. Шу боисдан конституциявий қонунни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

-миллий-диний, тил ёки бошқа асосдаги ҳар қандай камситишларга барҳам бериш, миллий-ирқий, диний-маънавий имтиёзларга йул қўймаслик;

-давлат тили билан боғлиқ масалада толерантлик тамойили асосида ўзга халқлар тилларида иш юритиш, таълим олиш ва ижод қилиш имкониятларини яратиш;

-давлатнинг дунёвий мазмундаги конституция ва қонунлари устуворлиги асосида демократик бошқарувга эришиш, миллатлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш кабилардир [1, 195 б.].

Халқаро ҳуқуқда тан олинган ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган. Чунончи, Конституциямизда «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва

элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» [2, 4 б.], деб таъкидланган.

Айнан мана шундай қонуний пойдевор асосида мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг миллий ҳамда диний урф-одат ва анъаналарининг ҳурмат қилинишини таъминлаш, эътиқод эркинлиги ва миллий маданиятни ривожлантириш, мамлакат фуқароларининг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келувчи миллий ва диний камситилишга қатъий қарши туриш каби устувор тамойиллар белгиланди.

Бош қомусимизда белгиланган ушбу нормаларнинг жамият ҳаётига муваффақиятли жорий этилиши сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ютуқлардан биридир.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон мустақилликка эришгач ўз ҳудудида эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик, дунёвий давлат қуриш йўлини танлади. Шу ўринда дунёвийлик ва виждон эркинлиги тушунчаларига тўхталишни жоиз деб билдик.

### ***ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ***

Дунёвийлик ижтимоий категория сифатида алоҳида олинган индивидуал шахс ёки ижтимоий институтлар даражасида намаён бўлади. Ўз навбатида дунёвийлик демократик ривожланиш йўлини мақсад қилиб олган ҳар қандай мустақил мамлакатда ички сиёсатни ташкил этишнинг асосий мезони бўлмоғи зарур. Дунёвийлик ва дунёвий давлат тушунчалари эса ўз навбатида муайян мамлакат ҳудудида виждон эркинлиги тамойилининг таъминланиши билан чамбарчас боғлиқдир [ 3, 43 б.].

Халқаро миқёсда эътироф этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ичида инсоннинг ички маънавий дунёси ва руҳиятига алоқадор бўлган ҳуқуқ - виждон эркинлигидир [ 4, 243 б.].

Ахлоқий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, виждон эркинлиги муайян шахснинг дунёқараши ва шахсий маънавиятига кўра шаклланган эътиқодий хатти-ҳаракатидир. Ўз навбатида виждон эркинлиги учта асосий қонидани ўзига сингдирган ҳолатда ҳаракатга келади:

- шахс ёки фуқаро ўзи истаган динга эътиқод қилиши ва ёҳуд қилмаслиги;
- умуман ҳеч қандай динга ишонмаслиги, диний эътиқодларга нисбатан бетараф бўлиши;

- бирорта диний эътиқодни тан олмасдан, уларнинг барчасини инкор этиши мумкин [ 5, 87 б.].

Ғарб тадқиқотчиларининг фикрларига кўра, узок давом этган тарихий тараққиёт давомида ер юзида ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўпчилик ҳолларда диний дунёқарашга асосланиб талқин қилинди ва ушбу қоидалардан бошқача фикрлаш даҳрийлик сифатида баҳоланиб, бундай кишиларнинг ҳаёти аянчли якун топди. Бироқ янги даврда бошланган илм-фан тараққиёти жамиятдаги бундай фикрловчиларга дунёвийлик назари билан қараш лозимлигини уқтира бошлади. Ғарб жамиятида содир бўлган ўз

дунёқарашини эркин баён қилиш ва қонуний ҳаракат қилиш имконияти натижасида Ғарб жамиятида тараққиёт суръатлари жадаллаша борди [6, 13-42 б.].

Демократик кадрият ҳисобланган виждон эркинлиги тушунчасининг пайдо бўлиши ҳақидаги ушбу фикр ҳам назаримизда нисбатан бирёқлама характерга эга. Ўрта асрлар Европасидаги католик черкови илм-фан ривожига тўсқинлик қилганлиги ҳақиқат. Аммо умумжаҳон миқёсида тараққиёт суръатларини бошлаб берган омил фақатгина, виждон эркинлиги ёки эркин дунёқараш билан боғлиқ тарзда кечган жараён эмас.

Халқаро ҳамжамият томонидан инсонларнинг табиий ҳуқуқларидан бири ҳисобланган виждон эркинлигини таъминлаш, муҳофаза қилиш мақсадида бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, дунёдаги энг йирик халқаро тузилма ҳисобланган БМТ Уставида инсон шахси, шаъни ва кадр-киммати, жамиятда эркак ва аёллар ҳуқуқларининг тенглиги, ирки, жинси, тили ва динига кўра камситишга йўл қўйиб бўлмаслигига доир қатор тамойиллар мавжуд [7, 304 б.].

Шунингдек, 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 18-моддасида “Ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгадир; бу ҳуқуқ ўз дини ёки маслагини ўзгартириш, ўз дини ёки маслаги бўйича яқка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда таълим олиш, тоат-ибодат, диний маросимларни адо этишда ошкора ёки хусусий тарзда эътиқод қилиш эркинлигини қамраб олади”, – деб, қатъий белгилаб қўйилган [8, 76 б.].

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 19-моддасида ҳар бир инсоннинг эътиқод эркинлиги ва буни ифода этиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт” ҳамда “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт” қабул қилинган бўлиб, ҳар иккала дастурий ҳужжат жаҳон аҳолисининг виждон ва эътиқод эркинликларини таъминлашга қаратилган мезонларни аниқлаштирган эди [9, 116 б.].

Ушбу ҳужжатлар виждон ва дин эркинлиги бўйича халқаро миқёсдаги универсал шартномалар саналади. Чунончи, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”нинг 18-моддасида тегишли равишда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси 18-моддасида белгиланган умумий жиҳатларнинг қамрови кенгайтирилган ҳолатда акс эттирилган. Шунингдек, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”нинг 1-, 3-ва 5-моддаларида инсонларнинг диний ва виждон эркинликларига қаратилган ҳуқуқларини рағбатлантириш ва давлатлар томонидан муҳофаза қилиш масалалари белгилаб берилган [10].

Шунингдек, 1960 йил 14 декабрда ЮНЕСКОнинг Бош Конференциясида қабул қилинган “Таълим соҳасида камситиш билан кураш тўғрисидаги Конвенция”си БМТ шафелигида 1981 йил 25 ноябрда “Дин ёки эътиқод

асосида тоқатсизлик ва камситишларнинг ҳар қандай шакллари тугатиш тўғрисида”ги Декларацияси, 1999 йил 1 мартдаги БМТ Бош Ассамблеясининг “Диний тоқатсизликнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида”ги Резолюцияси каби ҳужжатлар виждон эркинлигини таъминлаб берадиган халқаро нормалар саналади.

Мазкур бобнинг кириш қисмида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда демократик халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги тан олинади. Бу жараён ўз-ўзидан диний бағрикенглик ва виждон эркинлиги масалаларига ҳам тааллуқлидир. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган 1991 йилнинг ўзидаёқ “Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ҳужжати 1993 йилда бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди [11].

Маълумки, қонунлар жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар ва муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туриш учун ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда қонунлар ҳам жамият ҳаётига мослашиб, такомиллашиб бормоғи лозим.

1998 йил 1 майда давр талаблари асосидаги мутлақо янги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди [12, 46 б.].

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошига келиб, Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси орасида динга ва диний қадриятларга нисбатан объектив эҳтиёж ошиб борди ва аҳоли турмуш тарзининг таркибий элементи айлана борди. Пост-совет давлатлари аҳолисининг онгида ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура инқирозга учрагач, диний қарашлар янги фавқулодда шаклланган дунёқарашнинг базавий асоси, ахлоқий меъёр сифатида шакллана бошлади. Ички ва ташқи вазиятнинг беқарорлиги шароитида дин ва диний ташкилотлар миллат, жамият, давлат интеграциясининг муҳим омили сифатида майдонга чиқа бошлади [13, 120 б.].

Диний омилнинг кучайиб бориши, жамиятдаги диний ташкилот ва диндорларнинг ўзгариши диний масалаларда илмий асосланган стратегия ва тактикани янги сифат босқичига олиб чиқишни талаб қиларди.

Шу билан бир қаторда айнан 1997 йил охирига келиб, Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги беш-олти йиллик мафкуравий бўшлиқнинг ўрни истиқлол ғояларига мутлақо ёт бўлган мафкура, ғаразли мақсадлар билан тўлдирилаётганлиги, бутун минтақада кузатилгани каби мамлакатимиз ҳудудида ҳам диний ақидапарастлик хавфининг кучая бориши яққол кўзга ташлана бошлади.

Мамлакат тинчлиги ва фуқаролар осойишталигини таъминлаш учун давлатимиз томонидан аниқ фаолият режалари ишлаб чиқилди. 1998 йил 26 март санасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдин олиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 130-сонли қарори, 1998 йил 20 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний жамоалар, оқимлар ва гуруҳлар фаолиятининг қонунийлигини

ўрганиш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссияни ташкил этиш тўғрисида” фармони, 1998 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Қарорлари шулар жумласидандир [14].

Профессор Қ.Назаровнинг фикрича, қадимдан диёримизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик ва ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маданият марказлари ҳисобланган шаҳаримизда масжид, черков, синагоглар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари орасида диний асосда можаролар бўлган эмас. Бу юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради [ 15, 36-37 б.].

Юқорида қайд этилганидек, диний бағрикенглик ғоялари мустақил тараққиёт йилларида мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. Диний-дунёвий мувозанатни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда мунтазам равишда илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқотлар ўтказиб келинмоқда. Чунончи, 1995 йилда “Бир осмон остида ҳамжиҳатликда яшаш” мавзуидаги динлараро конференция ўтказилди. 1996 йилда Рус-Проваслав Черкови Епархиал Бошқарувининг 125 йиллик; 1996 йилда Ўзбекистондаги Евангелик-лютеран жамоаси лютеран черковининг 100 йиллик юбилейлари кенг миқёсда нишонланди. 2000 йил пойтахтимизда ЮНЕСКОнинг “Дунё динлари ва дунё динлари йўли” мавзусидаги конгресси фаолият кўрсата бошлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда диний қадриятлар устуворлигини таъминлаш ва виждон эркинлигини кафолатлаш борасида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом маданияти марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сонли “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ушбу олижаноб мақсадлар кўзда тутилган [16].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июн куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин ва давлат

арбоблари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари жамғармалари, ёшлар вакиллари билан учрашувида қуйидаги фикрларни қайд этган: ”Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамокда. Бу борада ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим рол ўйнамокда” [17].

Дарҳақиқат, мамлакатимизда турли диний эътиқод ва қарашларга эга бўлган фуқаролар эмин-эркин фаолият кўрсатиб келмокда. Ана шундай диний конфессиялар орасида христианликка эътиқод қилувчи диндорлар қатлами алоҳида аҳамиятга эга ва илмий ишимиз мавзуси доирасидан келиб чиқиб, улар ҳақида фикр юритамиз.

Православлик- насронийликдаги учта асосий йўналишлардан бири. Ушбу тармоқ 395 йилда Рим империяси Шарқий ва Ғарбий қисмларга ажралиб кетгандан кейин, Шарқий Рим империясининг эътиқоди бўлиб шакллана бошлади ва 1054 йилда христианлик черкови иккига бўлингач, ушбу бўлиниш расмийлашди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, православлик Византия империясидаги давлат дини даражасига кўтарилганлиги сабабли, ушбу эътиқоднинг кейинги тараққиёти ва тақдири Византиядаги давлатчилик ривожига билан боғлиқ тарзда кечган.

Айтиш мумкинки, V-XI асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида содир бўлган феодаллашув жараёни Византия империясидан бошланиб, қўшни ҳудудларга тарқалди. Бу жараён диний эътиқоднинг асоси ҳисобланган православликнинг кенг ёйилишига ҳам маълум даражада хизмат қилди. Эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда дунё бўйича православларнинг сони 300 миллион кишига яқин бўлса [18, 56 б.], улар асосан Византия империясининг тарихий ҳудудлари бўлган Яқин Шарқ ва Шарқий Европада истиқомат қилишади. Византия империясида император православ черкови раҳбарларини вазифасига тайинлаш ҳамда бўшатиш, черковнинг олий диний аҳамиятга эга бўлган соборлари фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, собор тўғри деб топган қарор ва ҳукмларни тасдиқлаш, маълум даражада диний таълимотни изоҳлаш каби ҳуқуқларга эга бўлган. Айнан мана шу сабабдан православлик Византия империясида давлат ҳокимиятини муқаддаслаштирган эди. Ўз навбатида марказлашган давлат ҳокимиятининг мавжудлиги православликда католикликдан фарқли ўлароқ, черковнинг иерархик тизими шаклланмади.

Православликда диний эътиқод асоси Муқаддас ёзув ва Муқаддас ривоятлардан иборат. Ушбу эътиқодий қарашлар 325-йилдаги Никея, 381-йилдаги Константинопол Соборлари қарорлари билан янада мустаҳкамланди. Православларнинг диний ақидаларига кўра христианликдаги “Муқаддас учлик” тушунчасига алоҳида ёндашув мавжуд. Унга кўра, Олий худо бир вақтнинг ўзида ҳам яккалик ҳам учлик ҳолатида яъни, ота-Худо, ўғил-Худо(Исо), муқаддас Рух - худо кўринишида намоён бўлади. Ер юзидаги инсонлар эса хом сут эмган банда бўлганлиги сабабли, туғма гуноҳкор ёки гуноҳ қилишга мойиллиги кучлидир. Айнан мана шу сабабдан Исо инсон қиёфасига кириб, ана шу гуноҳкор бандаларни тўғри йўлга бошлаш учун Ер юзида пайдо бўлган. Лекин унинг фаолиятига ҳам тўсқинликлар содир бўлиб,

охирида бир гуруҳ жоҳил кимсалар унинг ўлимига сабаб бўлишган. Аммо қиёмат кунида у қайта тирилади ва умматларини ҳақ йўлга давъат қилади [19, 221 б.]. Юқорида таъкидлаганимиздек, православликнинг тарихи ва тараққиёти Византия империясининг тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. 1453 йилда Усмонли турклар томонидан Византия империяси тугатилгач, Византияга қўшни бўлган ҳудудларда православликнинг умумий таълимотини маҳкам ушлаган бир қанча автокефаль (ўзини-ўзи бошқарувчи мустақил православ черкови) черковлар ташкил топди [20, 56 б.]. 1453-йилгача Византия империясидаги православ черкови тўртта ҳудудий бирлик: Константинополь, Александрия, Антиохия, Иерусалим патриархлари қўлида бўлган. Буларнинг ичида Константинополь патриархи бошқарувчилик мақомига эга эди. Империя кулагач, Константинополь патриархининг ҳам етакчилиги мавқеи йўқотилди ва православлик ёйилган давлатларда бир-биридан мустақил черковлар ташкил топа бошлади.

Бугунги кунга келиб ер юзида 15 та автокефаль черков фаолият юритмоқда. Булар Константинополь, Александрия, Антиохия, Иерусалим, Рус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Польша, Чехословакия, Америка черковлари. 1957 йилда ташкил топган Фин православ черкови Константинополь черковига, 1970 йилда ташкил топган Япон православ черкови Рус черковига бўйсунди. Автокефаль характердаги бу черковлар орасида энг йириги - Рус православ черковидир. Ушбу черков бошқа бир расмий ном билан Москва патриархати деб ҳам юритилади. Унинг таркибида 19 минг черков ва 127 та епархия бирлашган. Матбуот органига эга бўлган ушбу черков ҳар ойда “Журнал Московской Патриархии” журналин ва “Московский Церковный Вестник” газеталарини нашрдан чиқаради [21, 56 б.].

Православ черкови билан католиклик ўртасида эътиқодий масалаларда бўлгани каби маросим ва ибодатларларни ўтказиш тартиби, диний тузилмалар фаолиятида муайян тавовутлар мавжуд. Черковлар иккига ажралгандан сўнг католиклар нишонлайдиган байрамларни православлар нишонламайди.

Ўзбекистон ҳудудига православлик оқимининг кириб келиши Чор Россияси босқини билан боғлиқ. 1871 йил 4 май куни Россия императори Александр II томонидан Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази Тошкент шаҳрида Туркистон епархиясини очиш тўғрисидаги қарорни имзолади. Шу кундан бошлаб православ черкови Туркистон ҳудудида ўзининг черковлари миқдорини ошириш, ўз тарафдорлари сонини кенгайтиришга ҳаракат қиларди. Ўлкадаги энг кўп черковлар Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона ҳамда Сирдарё вилоятларида барпо қилинди. 1916 йил 16 декабрда Рус императорининг буйруғига кўра, Туркистон кафедрал соборининг бошқаруви биноти Верний (ҳозирги Алмати) шаҳридан Тошкент шаҳрига кўчирилди [22, 11 б.].

Ўзбекистон ҳудудидаги черков ташкилотларининг ташкил топиш жараёни XX асрнинг 30 йилларига қадар давом этди. СССР давлати кучайиб, атеистик мафкура ҳукмронлиги ўрнатилган бошлагач, бу жараён нисбатан секинлашди.

XX аср 40-йилларидаги қатағонлик сиёсати ва Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги Иттифокнинг марказий қисмларидан аҳолини кўчириш, эвакуация натижасида Ўзбекистон ва унга қўшни Қозоғистон ҳудудларида православларнинг тахминий миқдори 1 миллион кишидан ошиқни ташкил этган.

Қайта қуриш йилларининг шабадалари диний соҳага ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, 1990 йил 20 июлдан Ўрта Осиё ва Тошкент епархияси епископлик сифатида фаолият юрита бошлади. Ушбу епархия таркибига Ўзбекистондан ташқари, қўшни республикалар ҳисобланган Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистондаги рус православ черковлари киради. Рус православ черковининг Ўрта Осиё ва Тошкент епархияси Ўзбекистоннинг 11 та ҳудудий тузилмасида черков ва бошқарув органларига эга [23].

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистондаги иккинчи энг йирик христианлик йўналиши – католикликдир. Ушбу оқим 1054-йилда умумхристиан черковининг бир-биридан мустақил икки тармоққа бўлиниб кетиши натижасида пайдо бўлган. Католиклик Европа ва Америка қитъаларидаги аҳоли эътиқод қиладиган асосий дин бўлиб, бугунги кунда унинг тарафдорлари 1 миллиарддан ошиқ [24, 56 б.].

Католик черкови православликдан тубдан фарқ қилган ҳолда табақавий бўйсуниш тизимига эга бўлган, яқка ҳукмронликка асосланган, марказлашган ташкилотдир. Бутун жаҳон католик черковининг бошлиғи Рим папаси ҳисобланиб, у мавқеига кўра Исонинг ердаги ноиби ва ҳаворий Пётрнинг издошидир [ 25, 114 с. ]. Рим Папасининг ер юзидаги гуноҳлардан холи шахс эканлиги тўғрисидаги ақида 1870 йилда ўтказилган Биринчи Ватикан Соборида эълон қилинган. Папанинг қароргоҳи Италия пойтахти Рим шаҳрида – Ватиканда жойлашган бўлиб, Ватикан 1929 йилдаги Лютеран битимларига кўра шаҳар-давлат мақомига эга. Рим папаси ушбу давлатнинг бирдан-бир ҳукмдори саналиб, унинг чексиз ваколатларини амалга оширишда, диний масалаларни ечишда ёрдам берувчи –кардиналлари орқали идора қилади. Рим Папаси католикликнинг бош раҳнамоси сифатида диний масалалар муҳокамаси учун Черков Соборларини чақириш ҳуқуқига эга [ 26, 43 с. ]. Худди шундай Бутун Жаҳон Соборларининг XIX навбати XVI асрда, XX Жаҳон Собори (Биринчи Ватикан Собори) 1870-йилда, XXI Жаҳон Собори 1962-1965 - йилларда Римда чақирилган.

Католикларнинг эътиқодига биноан, “Муқаддас Рух” Ота ва Ўғил худолардан келиб чиққан. Уларнинг диний таълимоти Инжил, Муқаддас ривоятлар, Бутунжаҳон соборларининг 7 та асосий қарори, черков соборлари қарорлари, Рим папасининг ҳукмларига таянади. Собор қарорларига кўра, католиклик черковлари инсониятни Худо билан боғлайдиган маскан саналиб, ушбу масканларда Исо ва унинг апостоллари, Биби Марям билан боғлиқ бўлган “савоблар ҳазинаси” тўпланади. Ушбу ҳазинадан черков роҳибларининг хоҳиш-истакларига кўра гуноҳкор бандаларнинг гуноҳларидан кечилиши мумкин. Айнан мана шу ғоя атрофида XII асрдан бошлаб Ўрта асрлар Европасида индульгенция [27] ёрлиқлари асосида муайян маблағ эвазига гуноҳлардан кечиш жараёнлари кучайиб кетди.

Инсон вафот этгач, унинг руҳи жаннат ва дўзах ўртасидаги Аъроф майдонида тўхтаб қолади ва гуноҳларда фориг бўлишига имконият берилади. Агар ўлган инсон ёки унинг яқинлари марҳумнинг руҳини поклаш учун индульгенциялар сотиб олса, ушбу руҳ жаннатга кириш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин. Бу таълимот XVI асрдаги Тридент собори қарори билан расмийлаштирилган [28, 116 с.].

Католикликда православликдан тубдан фарқ қилган ҳолда дабдабавозлик хаддан ташқари кучли. Ибодатлар ва маросимларнинг орган садолари остидаги ашулалар жўрлигида ўтказилиши ёки черков ва ибодатхоналарнинг турли хил қимматбаҳо ҳайкалчапар ва расмлар билан безатилиши фикримизнинг яққол намунаси саналади. Ғарбий Европада черковнинг мана шундай ҳашаматли ҳаётига қарши чиққан, диний ташкилотлар фақат соф диний эътиқод билан шуғулланиши лозим деб ҳисобловчи еретиклар ҳаракатлари католик черкови томонидан аёвсиз бостирилди.

XII асрдан бошлаб черков қарашларига қарши бўлган кишилар билан шуғулланувчи алоҳида суд-полиция тизими-инквизиция ташкил қилинди. Инквизиция суди черков ғояларини қабул қилишдан бош тортганлар ёки мавжуд тизимга ўзгартириш киритишни хоҳлаганларга қўлловчи энг оғир жазоси – аутодафе [29] эди.

Католикликнинг амалдаги расмий тан олинган фалсафий ғоялари Аврелий Августин ва Фома Аквинскийлар томонидан ишлаб чиқилган [30].

Католик жамоаларининг Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши ҳақида биринчи бобимизда муфассал тўхталган эдик. XIX аср охирларига келганда Тошкент шаҳрида 2500 га яқин католиклар истиқомат қилишган. Маълумотларга кўра, бу пайтга келиб католиклар жамоасига Юстин Пранайтис раҳбарлик қилиб, ибодатхона барпо қилиш ишларини бошлаган.

Туркистон генерал-губернаторлигида фаолият юритган черков маълумотларига кўра, XX аср бошларида ўлкадаги католиклар сони ошиб боради. Бунга сабаб, Биринчи жаҳон уруши даврида Чор Россия томонидан асирга олинган немис, поляк, австриялик миллатига мансуб бўлган католикларни Туркистон ўлкасига жойлаштирилиши билан боғлиқ эди. Маҳаллий католиклар ва кўчириб олиб келинганлар билан Тошкентдаги черковни қуриш жараёни 1912 йилда бошланиб, 1917 йилда ниҳоясига етказилди. Аммо бу черков ўз фаолиятини бошлай олмади. Бунга сабаб Юстин Пранайтис 1917 йил 12 февралда вафот этгач, католик жамоаларига раҳбарлик иши ҳам, черков таъмири масалалари ҳам тўхтаб қолди. Ўлкада шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, эътиқодсиз давлат ва жамият қуриш ғояси мустаҳкамлана боргач, диний ташкилотлар эътиборсиз қолдирилди. Қурилиши охирига етмаган черков ҳам ўз холига ташлаб қўйилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида католик жамоаларининг таъсири Ўзбекистон ҳаётида умуман сезилмади. Черков биниси омборхонага айлантирилди.

Ўзбекистон мустақиллика эришгач, мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган католик жамоаларининг ҳам ҳуқуқ –манфаатлари қайта тикланди. Диний бағрикенглик шароитида уларга ўз эътиқодларини эмин-эркин амалга оширишлари учун шароитлар яратиб берилди бошлади. Ватикан Ўзбекистон

мустақиллигини биринчилардан бўлиб, 1992 йил 1 февралда тан олди ва 1992 йил 17 октябрдан икки давлат ўртасидаги муносабатлар бошланди. 1994 йил 31 октябр куни Ватиканнинг расмий элчиси Мариан Олесдан ишонч ёрлиғи қабул қилиб олинди ва Тошкентда Ватиканнинг расмий элчихонаси ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган христиан жамоаларининг учинчи гурухи протестантлик саналади. Протестантлик XVI асрда католикликдан ажралиб чиққан таълимот ҳисобланиб, протестантлар Худонинг борлиқда мавжуд эканлигини қайд этиб, инсон вафотидан кейинги охират сафари, ҳаётлик чоғида амалга оширган эзгу ишлари учун жаннат билан мукофотланиши ёки аксинча, гуноҳ қилмишлари учун дўзахда азоб чекиши мумкинлиги ҳақидаги қарашларини илгари суришади [31, 119 б.].

Шунингдек, протестантлар Библияни ўз эътиқодларининг бош манбаи ва асоси деб тан олишади. Библияни ҳар бир миллат ёки халқ ўз миллий тилида ўқиши, ўрганиши лозим.

Айнан миллий тил борасидаги ана шундай ёндашув натижасида протестантликнинг Германияда Мартин Лютер раҳбарлигидаги –лютеранлик, Швейцарияда Жан Калвин раҳбарлигидаги –калвинистлик, Англияда Генрих VIII раҳбарлигидаги - англиканлик, Жанубий Германия ва Швейцариянинг бир қисмида Ульрих Цвингли етакчилигидаги - цвингличилик каби йўналишлари юзага келган эди.

Маълумки, Ўрта асрлар Ғарбий Европасида католик черкови фақатгина диний эътиқод бўлиб қолмасдан, бутун-бутун халқларни ўзига бўйсундирувчи, жамият ҳаётини тартибга солиб турадиган тизим сифатида шаклланган эди-ки, унинг ғояларидан озгина оғишиш ёки салгина бошқача фикрлаш черков томонидан динга қарши ҳаракат деб баҳоланар, нафақат оддий халқ вакиллари, балки, аҳолининг юқори қатламлари –зодагон-феодаллар, киролар ҳам черков қаршисида таъзимда туришарди. Шундай қилиб, католик черкови ўзининг дунёвий ҳокимиятини ҳам мустаҳкамлаб олган эди.

Католик черковининг фақат диний масалалар билан шуғулланиши лозимлиги, ортиқча дабдаба ва моддий бойликлар тўпланишига, гуноҳларни кечиш эвазига сотиладиган индульгенция савдосига қарши чиқишлар натижасида католикликда янги оқим-протестантлик оқими пайдо бўла бошлади.

Германиядаги Виттенберг университети илоҳиёт профессори Мартин Лютер 1517 йил 31 октябр куни католик черковининг пул ишлаш манбаига айланган индульгенция савдосини танқид қилиб ёзган ўзининг тезисларини черков эшикларига ёпиштириб чиқиши билан Германиядаги реформация ҳаракатлари бошланиб кетди. Кенг қулоч ёзиб бораётган бу ҳаракатга тез орада католик черковининг зулмидан зада бўлган жуда кўплаб аҳоли вакиллари ва табақалари бирлаша бошлади. Реформация ҳаракатлари кучайиб кетгач, Рим папаси Мартин Лютер ва унинг тарафдорларини диндан қайтган деб эълон қилди. Германияда лютерчилик ҳаракатларини чеклаш борасида тадбирлар амалга оширила бошланди. 1529 йил Шпейер шаҳрида

лютерчилик ҳаракатини тўхтатиш тўғрисидаги рейхстаг қарорига қарши бўлган бир қанча соғлом фикрли князлар ва шаҳар вакиллари “Протестация” деб аталувчи норозилик ҳужжатига имзо чекдилар ва протестантлик деган ном шундан келиб чиқди [ 32, 139 с.].

Протестантизм ҳаракатлари ана шундай юзага келган , кейинчалик баптистлар, методистлар, квакерлар, адвентистлар, Иегова шоҳидлари, мормонлар, пятидесятниклар, “Нажот армияси”, “Христиан фани” каби оқимлар пайдо бўла бошлади [ 33, 56 б.].

Ўзбекистон ҳудудидаги протестантлар асосан корейс миллатига мансуб бўлиб, диний бағрикенглик шароитида ушбу диний жамоаларга ҳам ўз эътиқодларини эркин тарзда ташкил қилиш учун кенг шароитлар яратиб берилган. Лекин бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим-ки, айнан мана шу протестантлик жамоалари аъзолари томонидан мамлакатимизда яшовчи аҳоли ўртасида миссионерлик фаолиятлари билан шуғулланиш ҳолатлари учраб турибди. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд. Биринчидан, протестантликнинг жаҳон маркази АҚШда жойлашган бўлиб, шу ердан туриб диний тарғибот ишлари молиялаштирилиб турилади. Иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, мамлакатимиздаги протестантларнинг салмоқли қисми корейс миллатига мансуб. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа давлатлар қатори Корея билан ҳам дипломатик, иқтисодий-ижтимоий, маданий алоқаларни йўлга қўйган. Бу ўз навбатида юртимизда яшовчи корейсларга Жанубий Корея, АҚШ каби мамлакатларга бориб, қариндошлари билан алоқаларни тиклаш имкониятини яратди. Улар хорижда бўлган пайтларида қандайдир оқимлар таъсирига тушиб, Ўзбекистонда ҳам шуни тарғиб қилиш ҳаракатига қўшилиб қолган эдилар. Лекин ўрнатилган тартибга кўра, уларнинг миссионерлик фаолиятлари назоратга олинди.

Протестантлик таркибидаги яна бир йўналиш, адвентистлик ҳисобланиб, ушбу тармоққа XIX асрда Уильям Миллер томонидан АҚШда асос солинган. Адвентистларнинг Ўрта Осиёдаги дастлабки ҳаракатлари XIX аср бошларида кузатила бошланган. Тошкентдаги дастлабки адвентистлар жамоаси 150 киши атрофида бўлиб, 1910 йили ташкил этилган. Миссионерлик фаолиятларини олиб борганликлари сабабли бу жамоа кейинчалик тарқатиб юборилган. 1925 йилда Ўзбекистонда адвентистларнинг Ўрта Осиё бошқаруви ташкил этилди. Ўрта Осиё бошқаруви тузилмаси 1926 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ адвентистлар курултойида бешинчи иттифоқ сифатида эътироф этилди [ 34, 56 б.].

Собиқ Совет давлатининг диний эътиқодлар ва диндорларга қарши олиб борган атеистик сиёсати натижасида бошқа диний эътиқод вакиллари каби адвентистлар ҳам қаттиқ таъқиб остига олинди, уларнинг жамоалари тарқатиб юборилди. 1976 йил 26 август куни адвентистлар жамоаси Тошкент шаҳрида рўйхатга олинди ва фаолияти қайта тиклана бошлади. Адвентистлар жамоаларининг тарафдорлари Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё вилоятларида истиқомат қилиб, 9 та черкови фаолият юритган [35].

Ўзбекистонда шунингдек, протестантликнинг баптистик жамоаси вакиллари ҳам мавжуд. Баптистлик XVII аср бошларида Англияда вужудга

келган. 1905 йилда Лондонда ўтказилган бутун жаҳон баптистлар конференциясида Умумжаҳон баптистлар иттифоқи тузилди ва маркази АҚШ қилиб белгиланди. Россияда баптистларнинг дастлабки вакиллари XIX асрдан кўзга ташлана бошлади ва Чор империяси таркибида бўлган Туркистон ўлкасида ҳам баптистлар фаолият юрита бошлаган.

Евангел христиан баптистлар жамоасининг Туркистондаги дастлабки вакиллари 1891 йилдан бирлаша бошлаганлар. Ушбу жамоа 1909 йилда Туркистон генерал-губернаторлигига ўзларининг черковларини ташкил қилиш учун рухсат сўраб, мурожаат қилишган. Шундан кейин 1909 йил 2-июлда Тошкентда евангел христиан баптистлар жамоасининг ибодатхонаси очилди. Жамоанинг тарафдорлари кўпая боргач, 1911 йилда Самарқанд вилоятида ҳам бир жамоа шаклланди. 1922 йилда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё баптистлар иттифоқининг Туркистон бўлими ташкил қилинди [ 36, 56 б. ].

1946 йилдан эътиборан Ўзбекистонда Евангел христиан баптистлар жамоаси расман рўйхатдан ўтказилди. Ҳозирги кунга келиб ушбу жамоанинг Ўзбекистонда 10 га яқин ҳудудий тузилмалари ва марказий бошқарув органи мавжуд.

Мамлакатимизда фаолият юритувчи энг қадимий христиан черковларидан бири - Арман апостол черкови саналади. Маълумотларга кўра, Ўрта Осиё ҳудудларидаги дастлабки арман-христианлар III-IV асрларда вужудга келишган. Арман-христианларининг дастлабки черкови 1903 йилда Самарқандда барпо қилинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, арман-григориан черкови фаолияти ҳам қайта тикланди. 1995 йилдан жамоанинг “Луис” газетаси нашр қилиниши бошланган [37].

Тўлиқ инжил христианлари (пятидесятниклик) жамоаси вакиллари ҳам Ўзбекистонда мавжуд. Ушбу жамоанинг диний қарашларига кўра, қиёмат содир бўлиб, Исо меърождан тушиб қайта тирилгач, эллагинчи кун ипостолларга унинг муқаддас руҳи ҳам тушади ва ердаги издошларини олқишлайди. Ҳозирда дунё бўйлаб ушбу таълимотнинг 300 миллионга яқин ихлосмандлари мавжуд.

Маълумотларга кўра, тўлиқ инжил христианлари (пятидесятниклик) жамоасининг дастлабки вакиллари ўлкамизда XX асрнинг 20-йилларида пайдо бўлган. Собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ССР ташкил қилинган пайтда тўлиқ инжил христианлари (пятидесятниклик) жамоаси аъзолари сони минг кишига яқин бўлган. Атеистик мафкура бу жамоага ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, бу жамоа ҳам эркин фаолият юрита бошлади.

Шунингдек, Ўзбекистонда 1993 йилда Евангел лютерчилар жамоаси епархияси рўйхатга олинган бўлиб, бу оқим Германиядаги Реформация жараёнлари таъсирида юзага келган. Асосчилари - Мартин Лютер ва Меланхтон [38].

Лютерчилар оқимининг олий ташкилоти – Бош синод ҳисобланиб, ушбу бош синоднинг пост-совет давлатларида 5 та епархияси мавжуд. Ўрта Осиё епархияси маркази Тошкентда жойлашган. Евангел лютерчилар жамоаси

вакиллари мамлакатимиз ҳудудига Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилингандан сўнг, 1877-1878 йилларда кириб кела бошлашган. Ўлка маъмурияти томонидан уларга 1884 йилдан ибодатларини амалга ошириш учун рухсат берилган [39, 154 с.].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида англикан протестантлик йўналишидаги методистлар йўналиши, новоапостоллик черкови, Иегова шоҳидлари каби диний ташкилотлар ҳам фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикасида диний бағрикенглик соҳасида олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида динлараро мулоқот ва дўстона муҳит шаклланган. Кўп конфессияли давлатимиз аҳолисининг диний-маърифий ҳаётида христианлик жамоаларининг алоҳида ўрни мавжуд.

### **ХУЛОСА**

Бутун дунёда содир бўлаётган глобаллашув ва интеграция жараёнлари халқлар ва миллатлар тақдирига алоқадор бўлган барча ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларни қамраб олмоқда. Бу ҳолат ўз-ўзидан диний эътиқодлар ва қарашларга ҳам тааллуқли. Бугунги кунга келиб турли хил диний қараш ва ғояларга эга бўлган конфессиялар, уюшмалар ўзаро мулоқот жараёнига тортилган. Бинобарин, барча динларнинг умумий негизи бағрикенглик, меҳр-мурувват, ҳалоллик ва яхшилик каби умуминсоний ғояларга таянади.

Динлараро мулоқот ва ҳамкорлик эса глобаллашув шароитида ҳар қачонгидан-да ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда. Тўғри, дунёнинг турли нуқталарида фаолият юритувчи ғаразли кучларнинг “хизматлари” эвазига турли давлатлар ва минтақаларда диний тўқнашувлар кузатилмоқда. Конфессиялараро бирдамлик ўрнига ўзаро носоғлом рақобат ва миссионерлик ҳаракатлари давлатлар тинчлигига жиддий хавф-хатар туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ҳар томонлама пухта ўйланган, илмий жиҳатдан асосланган, умумэътироф этилган демократик қоида ва нормаларга жавоб берувчи диний бағрикенглик сиёсати юритила бошлади. Ушбу танланган оқилона сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юқори баҳолаб келинмоқда.

Ўзбек халқи менталитетининг шаклланишида мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатган христианлик динининг ҳам ўрни бор. Чунки, христианлик ҳам бошқа динлар каби инсониятни сабр-тоқатли бўлишга, пок ҳаёт кечиришга, жамиятдаги барча аҳоли қатламлари билан дўстона руҳда умргузаронлик қилишга даъват этиб келади.

Ўз навбатида шу нарсани алоҳида таъкидлашимиз лозимки, динлараро мутаносиблик ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда ўзбек халқига ҳос бўлган диний бағрикенглик хусусиятларини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Тарихнинг турли давларида ҳаётнинг оғир-енгил кунларини бошидан ўтказган бу халқ эътиқодлар турличалигига қарамасдан, машаққатларни бирга енгиб ўтди, бир-бирини қўллаб-қувватлаб турди.

**ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ**

1. У.Тожиҳонов, А.Саидов. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 жилд.-Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.1998.-Б.195
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2010.-Б.4
3. Бағрикенглик-барқарорлик ва тараққиёт омили.-Т.:Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.- Б.43.
4. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии.М.:1996.-Б.243.
5. Закурлаев А. Гоялар кураши.-Т.:Мовароуннахр.2000.-Б.87
6. Мунавваров З.И. Дунёвийлик ва диний омил//Шарқ машъали.№3-4. Тошкент.1998.-Б.13-42.
7. Новейшая история(1939-1992).Под ред. В.К.Фураева.М.,1993.-Б.304.
8. Б.Ц. Урланис. История военных потер. С-П.,1994.-Б.76.
9. Юнусова А.Т. Религия и закон.-Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси,2000.-Б.116.
10. The State of the World's refugees. A humanitarian Agenda(UNHCR). 2018.<http://www.UNHCR.org> 2017
11. Қаранг. [www.lex.uz](http://www.lex.uz). –миллий қонунчилик базаси
12. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари.Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017.-Б.46.
13. Евкочев Ш. Сиёсат ва дин.Ўқув қўлланма.Т.:Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.-Б.120.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси.1998 й август.№8.Б.15
15. Назаров Қ., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002, -Б. 36-37
16. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.
17. Ш.М.Мирзиёев. “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш-давр талаби”. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: [http://uzsm.uz/uz/press\\_center/uzbekiston](http://uzsm.uz/uz/press_center/uzbekiston)
18. Роджерс К., Хикмен К. Религии мира. –М.:Росмен,2003.-Б.56.
19. Азбука Христианства: словарь-справочник важнейших понятий и терминов христианского учения и обряда/Сост. А.Удавенко.-М.:Наука,1997.-С.221.
20. Ибрагимов Э. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик шаклланишидаги роли:Автореф.дис.канд.истор.наук.-Т.,2010,-56 б.
21. Хусниддинов З.М. Ўзбекистонда диний бағрикенглик: муамолар ва мустаҳкамлаш омиллари. Автореф.дис.канд.философ.наук.-Т.,2001, 56 б.
22. Ўзбекистондаги диний ташкилотлар. Маълумотнома. Тузувчи Ҳ.Нуриддинов.Т.:1999.-Б.11.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси маълумоти.
24. Роджерс К., Хикмен К. Религии мира. –М.:Росмен,2003.-Б.56.
25. Иванов П.И. и др. Христианство и религии мира. –М.:Про-Пресс,2000.-С.114
26. Азбука Христианства: словарь-справочник важнейших понятий и терминов христианского учения и обряда/Сост. А.Удавенко.-М.:Наука,1997.-С.43.
27. Индульгенция-гуноҳларни авф этиш ёрлиғи
28. Иванов П.И. и др. Христианство и религии мира. –М.:Про-Пресс, 2000. - С.116
29. Аутодафе-португал тилидан олинган бўлиб, «дин иши», “эътиқод иши” деб таржима қилиниб, маҳкумларни ўтда куйдиришни назарда тутувчи жазо туридир.
30. Аврелий Августин 354-430 йилларда яшаган христиан дини илоҳиётчиси. У католикликнинг асосий таълимотини изоҳлаб берган. Унинг қарашларига кўра, Ер юзида дунёга келадиган ҳар бир банданинг тақдири Худо томонидан қазойи қадар қилиб белгиланади. Агар бандага худо марҳамат қилса у нариги дунёда роҳат-фароғатга эришади. Аврелий Августиннинг католиклик оқими олдидаги хизматлари учун черков отаси сифатида тан олинган.
31. Фома Аквинский 1278-1332 йилларда яшаган. У католикликнинг маънавий-фалсафий ғояларини яратган бўлиб, унга кўра илоҳийлик-эътиқод ва ақлнинг уйғунлашувидир. Ушбу фалсафий таълимот 1879 йилда католик черкови томонидан “ягона ҳақиқий фалсафа” деб баҳоланган.
32. Рогалевич Н., Сумароков Б.,Островцев А. Религиоведение. Экспресс-курс.-Минск.:Новое знание,2003.-С.138
33. Хусниддинов З.М. Ўзбекистонда диний бағрикенглик: муамолар ва мустаҳкамлаш омиллари. Автореф.дис.канд.философ.наук.-Т.,2001,56 б.
34. Хусниддинов З.М. Ўзбекистонда диний бағрикенглик: муамолар ва мустаҳкамлаш омиллари. Автореф.дис.канд.философ.наук.-Т.,2001,56 б.
35. Ўзбекистон дин ишлари қўмитасининг 1976 йилги ҳисоботи.
36. Хусниддинов З.М. Ўзбекистонда диний бағрикенглик: муамолар ва мустаҳкамлаш омиллари. Автореф.дис.канд.философ.наук.-Т.,2001, 56 б.
37. Ўзбекистон Республикаси Байналмилал Маданият марказининг 1998 йилги ҳисоботи.
38. [www.wikipedia.ru](http://www.wikipedia.ru)
39. Сборник материалов для истории Туркестанского края.Т.І.– Ташкент., 1908.-С.154.

**Эшқувватов Б. В.**

PhD, доцент кафедры «Всемирная история»  
Национальный Университет Узбекистана

## **ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ХРИСТИАНСКИХ КОНФЕССИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ И ИХ РОЛЬ В ОБЕСПЕЧЕНИИ РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ**

### **АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается деятельность христианских конфессий в Республике Узбекистан за годы независимости и условия, созданные для них. Также были высказаны мнения о работе, проделанной в нашей стране по обеспечению религиозной толерантности и свободы совести, правовых основах в этой сфере, а также о среде взаимного уважения и солидарности между различными религиозными конфессиями. Также кратко рассматривается роль христианских конфессий в укреплении религиозной толерантности.

**Ключевые слова:** христианские конфессии, религиозная толерантность, свобода совести, православие, католицизм, протестантизм, религиозные конфессии, межконфессиональное согласие, Республика Узбекистан.

**Eshquvvatov B. V.**

PhD., associate professor at the department of «World History»  
National University of Uzbekistan

## **THE ACTIVITIES OF CHRISTIAN DENOMINATIONS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE AND THEIR ROLE IN ENSURING RELIGIOUS TOLERANCE**

### **ABSTRACT**

The article examines the activities of Christian denominations in the Republic of Uzbekistan during the years of independence and the conditions created for them. Opinions were also expressed about the work done in our country to ensure religious tolerance and freedom of conscience, the legal framework in this area, as well as the environment of mutual respect and solidarity between different religious denominations. The role of Christian denominations in strengthening religious tolerance is also briefly considered.

**Keywords:** Christian denominations, religious tolerance, freedom of conscience, Orthodoxy, Catholicism, Protestantism, religious denominations, interfaith harmony, Republic of Uzbekistan.